

## Индонезияда масжидлар саналади ва рақамланади



13:55 / 30.03.2021 1408

Сўнгги етти йил мобайнида Диний ишлар вазирлиги (MRA) мутасаддилари аҳолининг катта қисми жойлашган мамлакатда қанча масжид ва намозхоналар фаолият кўрсатаётганини аниқлашга ёрдам берадиган рақамли маълумотлар базаси - Масжидлар Ахборот тизими устида ишламоқда.

«Бу абадий ишдир, чунки ҳар доим янги масжидлар ва мусаллалар барпо этилмоқда», дейди лойиҳада ишлаётган Фахри Аффан. Индонезиядаги мусалла, асосан намоз ўқиш учун ишлатиладиган масжид ташқарисидаги очиқ майдонни назарда тутди.

Islam.ru нашрининг хабар беришича, ягона маълумотлар базасини яратишдан олдин 2013 йилда турли идоралар мамлакатдаги масжидларнинг умумий сонини ҳар қандай расмий маълумотларсиз ҳар хил баҳоланган.

Бугунги кунда 5000 кишидан иборат махсус гуруҳ MRA ходимлари масжидларни ҳисоблаш учун жавобгардир. Уларнинг вазифаси масжидларни катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир жойни ёзиб олишдир.

«Истиқлол» масжиди, Жакарта пойтахтидаги давлат масжиди, ресторандаги намозхонага қадар рўйхатдан ўтган ҳар бир савдо шохобчаси жойлашган жойи ва у ерга қандай етиб бориши ҳақида қисқача маълумот билан ўз идентификация рақамини олади.

«Биз уларнинг барчасини навбат билан рўйхатдан ўтказамиз. Агар, савдо марказидаги бинонинг турли қаватларида жойлашган бир нечта намозхоналар мавжуд бўлса, биз ҳар бир намозхонани алоҳида-алоҳида санаб ўтамиз», дейди Аффан.

Жамоа шунингдек, дрон ёрдамида масжид ва унинг атрофини турли томондан суратга олади.

MRA Ислом ишлари ва шариатни ривожлантириш раҳбари Муҳаммад Агус Салимнинг таъкидлашича, масжидларнинг расмий ва тасдиқланган каталогига эга бўлиш ҳукуматнинг масжидлар билан боғлиқ сиёсати бўлиб, маҳаллий ваколатларни кенгайтириш, қуриш ва реконструкция қилиш, сувни яхшилаш каби йўналишларда хизмат қилади, шунингдек, таъминот ва санитария ҳолатини, имомларнинг малакасини оширишдан иборат.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***